



“Марказдан олисдамиз,
аммо ободликдан эмас...”

2-с.

Ташаббус — тадбиркордан,
даромад — томорқадан

“Ташаббускорлик ортидан ҳудудда ишсизлик тўлиқ
бартараф этилди. Жиноятчиликдан холи ҳудудмиз”.

3-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2025 йил
15 МАРТ,
ШАНБА

Ma'halla

№20
(2244)

WWW.UZMAHALLA.UZ

УЮШМА КУНДАЛИГИ

МАҲАЛЛАДАГИ ЁШЛАР БИЛАН МАНЗИЛЛИ ИШЛАШ ЗАРУР


Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасида Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссиясининг навбатдаги муҳокама йиғилиши бўлиб ўтди.



Йиғилишда ёшлар масалаларига масъул бўлган вазирлик ва идоралар, ҳоким ўринбосарлари ҳамда тегишли ташкилот раҳбарлари иштирок этди.

Жараёнда энг устувор йўналишлардан бири — оталиққа олинган ёшлар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда уларни раҳбарларга бириктириш масалалари кўриб чиқилди. Шунингдек, маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида “Беш ташаббус олимпиадаси”нинг жорий йилги bosқичларини юқори савияда ташкил этиш ҳамда уни ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз топшириғига асосан, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни жисмонан чиниктиришга қаратилган “Шижоат ва ғайрат” спорт мусобақаларини маҳаллаларда оммалаштириш, уларга йиғит-қизларни тўлиқ жалб этиш, мусобақанинг имкониятларини жамоатчиликка кенг ёритиш бўйича тегишли вазирилик, идора ҳамда ташкилотлар билан келишиб олинди.



“ДОЛЗАРБ БИР ОЙЛИК”: ТОМОРҚА РИВОЖИ, ХОНАДОН ОБОДЛИГИ — АСОСИЙ ЭЪТИБОРДА

Шу кунларда баҳорнинг ҳар бир кунини ғанимат билган юртдошларимиз ўз томорқасидан, фермер ўз даласидан чиқмайдиган палла бошланган.

Тўғри-да, бугун ҳар бир ер эгаси ўзига тегишли томорқадан фойда олишни, дарахт ўтказиб, кўкартиришни, кўчат экиб, жиллакурса, уй-рўзгорига наф келтиришни истайди.

Давлатимиз раҳбарининг “Маҳаллаларда томорқалардан самарали фойдаланишни ташкил этиш орқали аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишга қаратилган ишларни янада жадаллаштириш тўғрисида”ги фармойиши айнан бободехқон равнақи, томорқачилик ривожини учун катта ҳисса қўшиши кутилмоқда.

Фармойишга асосан, мамлакатимизда 2025 йил 11 мартдан “долзарб бир ойлик” сафарбарлиги эълон қилинди. Унга кўра, маҳаллаларда 29 мингта кичик ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва хунармандчилик лойиҳалари амалга оширилади. Хонадонларга 1 миллион бошдан ортиқ парранда, 24 минг оилага асалари, 21 минг бош қўй-эчки ва қорамол тарқатилади, 400 минг гектар аҳоли томорқаларида ҳамда 180 минг гектар



“Долзарб бир ойлик” сафарбарлиги доирасида томорқалардан самарали фойдаланишни ташкил қилган ҳолда, Наврўз умумхалқ байрами ва муборак Рамазон ойини кўтаринки кайфиятда ўтказиш, атрофни яшилликка буркаш мақсад қилинган.

ижара ер майдонларида сабзавот, полиз, картошка, дуккакли ва бошқа сердаромад экинлар экилади. Томорқаларда “Бир маҳалла — бир маҳсулот”, ижара ерларда “Бир контур — бир маҳсулот” тамойили жорий этилади.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ерга ниҳол қадалади, камбағал оилалар хонадонларига экиш учун мевали дарахт кўчатлари етказиб берилди. Ободонлаштириш ишлари, оммавий ҳашарлар уюштирилади.

Энг муҳими, камбағал оилалар аъзолари ҳамда ишсиз фуқароларга молиявий кўмак пакетлари (ихчам иссиқхона, парранда, балиқ, чорва моллари, асалари кўтилари, лимон, хурмо ва бошқа экинларнинг уруғ ва кўчатлари) тақдим этилади. Бундай тоифадаги оилаларнинг оғир касаллиги, ногиронлиги бўлган аъзоларининг даволанишига кўмаклашиб, фарзандлари хорижий тиллар ва касб-хунарга ўқитилади.

(Давоми 2-саҳифада).

БУГУНГИ СОНДА:

Интилувчан ёшлар боқиманда, лоқайдларга ибрат бўляпти

“Ёшларнинг кўпчилиги тўғра-раклар учун чекка ҳудудларга қатнашга мажбур бўляпти. Шу сабабли навбатдаги режамиз ҳудудда барча дарс машғулотларини ўз ичига олган ўқув марказини ташкил этишди. Тез кунда бу ташаббус амалга ошса, ёшлар маҳалланинг ўзидаги ўқув марказида илм олиш имкониятига эга бўлишади”.

4-с.

Тадбиркорлар кўпайса, энг аввало, маҳалладагилар ишли бўлади

“Солиқ ходимларининг “маҳалла еттилиги” таркибига киритилиши барча учун фойдали бўляпти. Масалан, аввалгидек, фақат юридик шахслардан солиқ ундириш эмас, балки йиғирмадан ортиқ йўналиш бўйича уйма-уй юриб, ҳар бир солиқ тўловчи билан манзилли ишляпман. Натижада барча масалалар маҳалланинг ўзида ҳал этиляпти”.

5-с.

“Аҳоли гавжум, ҳаракат тиғиз бўлса ҳам “яшил” тоифадамиз”

“Бир зум бўлса-да, хушёрликни йўқотганимиз йўқ. Аҳоли билан доимий мулоқотда бўлиб, тарғибот тадбирларини ўтказаямиз. Уларни турли ҳуқуқбузарлик ва фирибгарликлар ҳақида огоҳлантириб, жиноятнинг салбий оқибатларини тушунтираямиз”.

6-с.



ИСТАК ШУКИ,
ҲАР БИР АЁЛ
КАСБ-ҲУНАРНИ
ЭГАЛЛАСА...

9 452 та маҳалланинг “йўл харитаси” бор

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташаббуси билан маҳаллаларда “еттилик”, ёшлар сиёсати, ижтимоий масалалар бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Май-июль ойларида маҳалла раиси сайловини ташкил этиш бўйича тайёргарлик бошланди. Республика ва ҳудудий штаблар фаолияти йўлга қўйилди. 9 452 та маҳаллага тавсия этилган 31 минг 387 нафар номзоднинг ҳужжатлари ўрганиб чиқилди. Улардан 5 924 нафари (20 фоиз) аёллар, 6 304 нафари (22 фоиз) амалдаги раислар ҳамда 6 555 нафари (22 фоиз) “еттилик” аъзоларидир.

Хавфсиз муҳитни яратиш бўйича 9 452 та маҳалла



Ховос туманидаги 28 та маҳаллада камбағал оилаларга кўмак чораларини ижтимоий шартнома асосида кўрсатиш амалиёти жорий этилиб, 665 та оила билан шартнома тузилди ва индивидуал режа ишлаб чиқилди.



“йўл харитаси” ишлаб чиқилди. Муқаддам судланган ва маъмурий назоратдаги шахсларга “маҳалла еттилиги” аъзолари, кўчабоши ҳамда нурунийлар бириктирилди. “Ёшлар дафтари”га

27,1 минг нафар ёш кириптилиб, “еттилик” тавсияси асосида 7,9 минг нафарига ёрдам кўрсатилди. 8,9 минг нафар ишсиз ёшга тавсиянома берилди, 827 нафарига 483 гектар ер майдони ажратилди.

ЖАРАЁН



БЕШ МАҲАЛ
ОВҚАТЛАНИШ —
БЕШ МАҲАЛ ОШ
ЕЙИШ КЕРАК,
ДЕГАНИ ЭМАС

8-с.



Президент Шавкат Мирзиёев Франциянинг олий мукофоти — **ФАХРИЙ ЛЕГИОН ОРДЕНИ** билан тақдирланди.



Франция пойтахти Париж шаҳри кўчаларидан бирига **САМАРҚАНД НОМИ** берилди.



Давлатимиз раҳбари Франция Президентига Виктор Югонинг ўзбек тилига таржима қилинган **“КУЛАЁТГАН ОДАМ”** романининг илк нусхасини совға қилди.

ТАШАББУС

“Марказдан олисдамиз, аммо ободликдан эмас...”



ТАЖРИБА

ГУЛМАТ ЖУМАНИЁ-ЗОВ — УСТА ДЕХКОН. УНИНГ 25 СОТИХЛИ ТОМОРҚАСИДА БИР ҚАРИЧ ЕР БЎШ ТУРМАЙДИ. ИССИҚХОНА ТАШКИЛ ЭТИШ ОРҚАЛИ ЙИЛНИНГ ТЎРТ ФАСЛИДА ДАРОМАД ОЛИШГА ЭРИШАПТИ.

Рустамжон КАРИМОВ, Беруний туманидаги “Бийбозор” маҳалласи раиси.

Б у ерда помидор, бодринг, тарвуз етиштиради. У т г а н йили унга Бирлашган миллатлар ташкилоти Озик-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг (ФАО) Ўзбекистон Республикасидаги Ваколатхонаси гранти асосида қўшимча 1 сотихли иссиқхона қуриб бердик. Ҳозирда йилга 3 марта ҳосил олиб, 100 миллион сўм даромад топяпти. Шунингдек, Расул Давлатов грант ҳисобидан қурилган иссиқхонада 10 минг қути помидор, бодринг қўчаги ўстиряпти. Бундан ташқари, БМТ гранти орқали жами 10 та эҳтиёжманд оила хо-

МАРКАЗДАН ОЛИСДА ЖОЙЛАШГАН БЎЛСАК-ДА, МАРКАЗДАГИДЕК ШАРОИТ ЯРАТИБ БЕРИЛЯПТИ.



надонида иссиқхона ташкил этилди. 10 нафар эҳтиёжманд фуқарога мотокультиватор берилди.

Марказдан олисда жойлашган бўлсак-да, марказдагидек шароит яратиб берилляпти. Худудда яшовчи 7 050 нафар аҳолининг ҳар бири билан индивидуал ишлаш йўлга қўйилган. Мақсад — уларнинг розилигини олиш, даромадини ошириш, муаммосига ечим топиш. Кейинги йилларда аҳоли сони ошиб бориши инфратузилма билан боғлиқ муаммоларга сабаб бўлиб, электр, ичимлик сув таъминотида қўшимча чоралар талаб этаётганди.

Президент ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикасидаги 452 та маҳалланинг ҳар бирига тўғридан-тўғри 500 миллион сўмдан қўшимча маблағ ажратилгани шу каби муаммоларга ечим бўлди. Биз ҳам маблағ эвазига 3 та янги трансформатор ўрнатдик. Натижада таъминот яхшиланди.

Асосий ўсиш нукта-миз — чорвачилик ва деҳқончилик. Ер майдонларининг кенглиги соҳа ривожига қўлайлик яратади. Кўплаб фуқаролар бундан унумли фойдаланяпти. Хусусан, Қуролбой Ёқубов ҳошим ёрдамчиси тавсияси билан гаровсиз 33 миллион сўм имтиёзли кредит олди. Айни пайтда 7 бош қорамол парваришляпти. Келгусида уларнинг сонини 30 бошга етказишни ният қилган.

2024 йилда худуд инфратузилмасини яхшилаш, маҳаллани ишсизликдан холи худудга айлантириш борасида манзилли ва мақсадли иш ташкил этилди. Йил якунига қўра, доимий ва мавсумий бандлиги таъминланган 581 нафар, ўзини ўзи банд қилган 360 нафар, оилавий тадбиркорлик дастури доирасида 84 нафар фуқарога 1 миллиард 650 миллион сўм молиявий қўмак қўрсатилди. Тўрт нафар фуқарога субсидия берилди.

Жинойятчилик ва ҳуқуқбузарликлар сонини камайтириш мақсадида Домлалар кўчасига иккита кузатув камераси ўрнатилди. Меҳнаткашлар кўчасидаги 1,3 км. ички йўл шағалланди. Гулзорбўйи ва Меҳнаткашлар кўчасига 2 км. пиёдалар йўлакчаси қурилиб, 150 та тунги ёритиш чироқлари қўйилди.

Бир сўз билан айтганда, босқичма-босқич муаммолар ечим топиб, аҳоли яшаш тарзи яхшиланяпти.

“ДОЛЗАРБ БИР ОЙЛИК”: ТОМОРҚА РИВОЖИ, ХОНАДОН ОБОДЛИГИ — АСОСИЙ ЭЪТИБОРДА

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).



Сафарбарлик даврида **Оилавий тадбиркорлик** дастурлари доирасида боғдорчилик, асаларичилик, чорвачилик (қўй-эчки, қарамол), иссиқхона қуриш, асбоб-ускуналар хариди, хизмат кўрсатиш, хунармандчилик, ишлаб чиқариш ва бошқа йўналишлардаги **микрولойиҳалар** учун **1 триллион сўмдан зиёд** имтиёзли кредитлар ажратилади.

Юқоридаги тадбирларнинг **молиявий манбалари** аниқ белгиланди. Унга қўра, ҳар бир вазирлик ва идорага бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан **3 миллиард сўмгача** қўшимча харажатларни амалга оширишга рухсат берилди.

Фармойишга мувофиқ амалга оширилладиган ишларга **маҳалла аҳолиси уюшқоқлик билан** жалб қилинади, **Наврўз умумхалқ байрами арафасида** оммавий ҳашар ва маданий тадбирлар ташкил этилади. **Муборак Рамазон ойида саховатпеша фуқароларнинг хайрия ва эҳсонлари** камбағал оилаларнинг даромадларини ошириш, маҳалла инфратузилмасини яхшилашга йўналтирилади.

Умуман олганда, “долзарб бир ойлик” сафарлиги доирасида **томорқалардан самарали фойдаланишни ташкил қилган ҳолда**, аҳоли даромадини ошириш, камбағал оилалар билан манзилли ишлаш, ободонлаштириш ва кўлакамзорлаштириш ишларини янада фаоллаштириш кўзда тутилган. Бу орқали **Наврўз умумхалқ байрами ва муборак Рамазон ойини** кўтаринки кайфиятда ўтказиш, атрофни яшилликка буркаш мақсад қилинган. Айни пайтда жойларда фармойиш ижросига киришилган.

МЕНДА САВОЛ БОР...

САЙЛОВДА ҚАНЧА ОВОЗ ЕТАРЛИ БЎЛАДИ?

Холпошва НОРЧАЕВА. Чироқчи тумани:

Баҳром КУШБАКОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси масъул ходими:

— Маҳалла раиси сайловда худуддаги мавжуд фуқароларнинг фоизи овоз бериши талаб этилади? Масалан, бизнинг маҳаллада 2 минг нафар аҳоли яшайди. Шу вазиятда нечта сайловчи овоз берса, етарли бўлади?

— Маҳалла раиси лавозимига сайловда фуқароларнинг вакиллари, яъни маҳалладаги сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар умумий сонининг камида 12 фоизи овоз беради. Демак, ўртача ҳар 100 нафар сайловчи номидан 12 нафар вакил сайловда иштирок этса, етарли бўлади. Белгиланган кун дастлаб, номзодларнинг ҳисоботлари — маҳалла учун нима қилиб бера олади, қандай ишларни амалга ошириши тингланади. Шундан сўнг вакиллар, бюллетенни тўлдириб, ўзи муносиб деб билган номзодга овоз беради. Эслатиб ўтамиз, бюллетенлар сайлов ташкил қилинган жойнинг ўзидан — вакиллар кўз ўнгига саналади ва натижа эълон қилинади. Агар номзодларнинг бирортаси 50 фоиз овоз тўплай олмаса, қайта овоз бериш жараёни ўтказилади.



Маҳалла раиси ташаббускор, ҳаракатчан, жонқуяр ва халқпарвар бўлса, ўша худуд боғу бўстонга айланади. Аҳоли турмушига фойзу барака киради. Халқ рансдан, ранс халқдан рози бўлиб ишляйди.

Мафтуна МАМАСИДДИҚОВА.

Кўқон шаҳридаги Ашурали Зоҳирий номидаги маҳалла тажрибаси айни шу таърифга мос. Йигин раиси Йўлдошали Тўйчиев меҳнатсеварлиги, адолатпарварлиги билан одамлар розилигини олиб келяпти. Келинг, буни натижаларда кўриб чиқамиз.

Яқингача текис ва раvon йўлларда хотиржам юриш ёшу кексанинг орзуси эди. Бундан ташқари, хонадонларга тоза ичимлик сув қирмаган, электр таъминотидаги муаммолар сабабли киш кунлари узилышлар кўп кузатилар, мавжуд 9 та кўча қишда лой, ёзда чанг бўларди. Аҳоли йиллар давомида муаммога ечим излаб, қанчадан-қанча масъул идора ва ташкилотлар эшигини тақиллотмаган, дейсиз. 2022 йил нихоят орзулар ушалди. Маҳаллага янги раис сайланди. Ташаб-



бускор раҳбарнинг саъй-ҳаракати билан аҳолининг оғири енгил, узоғи яқин бўла бошлади. Мурожатлар масъул давлат органларига етиб борди, ечим топилди. Маҳаллага одамларнинг ишончи ортди. Қарс икки қўлдан, деганларидек, барча бирлашди. Худудга ободлик нафаси кирди. “Ташаббуси бюджет” лойиҳасида бу яққол намоён бўлди. Оқова сув тармоғи тортиш таклифи энг кўп овоз тўплаб, керакли маблағ ютиб олинди. Кейин электр энергияси билан боғлиқ муаммога ечим топилди. Маҳалланинг ички кўчалари тўлиқ асфальтланди.

Бундан ташқари, давлат бюджетидан 18 миллиард сўм ажратилиб, хонадонларга тоза ичимлик сув тармоғи тортилди. Ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш бўйича манзилли иш олиб борилди. “Драйвер” соҳа — деҳқончилик ва чорвачилик ривожлантирилди. Жами 166 гектар майдоннинг 39 гектари аҳоли томорқасидан иборат. Шу сабабли томорқачилик қўллаб-қувватланди. Бугун маҳалла ишсизлик, камбағаллик, жинойятчиликдан холи худудга айланди. Сўнгги икки йилда оилавий ажралишлар кузатил-

Оқова сув тармоғи тортиш таклифи энг кўп овоз тўплаб, керакли маблағ ютиб олинди. Кейин электр энергияси билан боғлиқ муаммога ечим топилди.

мади. Аҳоли хонадонидagi томорқадan йилига икки марта ҳосил олишни йўлга қўйган.

Маҳалла раисининг ташаббуси орқали тадбиркорлар сафи кенгайди. Худуднинг жойлашувидан келиб чиқиб, бўш ерда 9 та ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилди. Бугун 10 дан ортиқ турдаги маҳсулот хорижга экспорт қилиняпти. Шу кунларда яна бир муаммога ечим топилди. Асфальтланмаган 450 метр ички йўл учун маблағ ажратилди. Май ойда ишлар бошланди.

Бир сўз билан айтганда, худудда ислохотлар нафаси кириб бормаган хонадон қолмади. Оилалар тинч, маҳалла ва унинг кўчалари ободликка юз тутган.



Ўзбекистон ва Франция Президентлари СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ЎРНАТИШ тўғрисидаги қўшма декларацияни қабул қилди.



ҲУКУМАТ ҚАРОРИ билан Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармаси ташкил этилди.



Давлат рўйхатидан ўтказмасдан тиббиёт амалиётида қўллаш мумкин бўлган дори воситалари ва тиббий буюмлар РЎЙХАТИ ТАСДИҚЛАНДИ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

ОҚОВА СУВ МУАММОСИ БАРҲАМ ТОПДИ

Кўп йиллардан бери “Қорамурт” маҳалласи аҳолисининг аксарияти оқова сув муаммоси туфайли томорқадан самарали фойдалана олмасди.

Энди бу муаммога ечим топилди. Гап шундаки, “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида 3,5 км. масофадан қувурларда оқова сув тортиш ишлари бошланди. Бу хайрли ташаббус натижасида мавжуд 648 та хонадондан 410 таси оқова сувдан эмин-эркин фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

— 6 сотих томорқам бор, — дейди Қосимжон Турғунов. — Тўғриси, ҳар йил баҳор келиши билан томорқага мевали дарахт экиб, кундалик эҳтиёж учун полиз ва сабзавот маҳсулотлари етиштиргим келади. Лекин сугориш муаммоси сабаб фикримдан қайтар эдим. Ҳосил олиш у ёқдан турсин, қўқартиришининг ўзи амриаҳол эди. Мана, энди иккиланмасак бўлади.

Албатта, бу маҳаллий аҳоли учун тарихий воқеа бўлади. Сабаби, соҳибкорликларни қарийб 25 йилдан бери қийнаб келаётган муаммо бугун ўз ечимини топди.



Наманган туманидаги оғир ҳудуд деб белгиланган “Нўғайкўрғон” маҳалласида “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида белгиланган вазифалар тизимли бажарилляпти.

— Ҳар бир хонадон ва ошлада томорқага экин экиш, уй-жойида шинам ва файзли муҳит яратиш, тозаликни сақлаш орқали турмушини фаровонлаштириш бўйича тизимли ишлар амалга ошириляпти, — дейди Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси туман бўлими бошлиғи Дилбархон Хошимова. — Ушбу ҳудудда 500 метр ички ариқлар бетонланиб, 700 метр масофага қувур ётқиизиш орқали сув таъминоти яхшиланади. Натижада узоқ йиллардан бери сув етиб бормаётган 130 хонадон томорқасини мунтазам сугориш тизими йўлга қўйилади.

Аҳамиятлиси, бу каби тадбирлар тумanning барча маҳалласида давом этяпти.

АҲОЛИНИ ТАДБИРКОРЛИККА ЖАЛБ ҚИЛИШ ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВ-ВАТЛАШГА ҲАР ТОМОНЛАМА ҚўМАКЛАШИШ БОРАСИДА ўЗИГА ХОС ТАЖРИБА ЯРАТГАНМИЗ.



Фаррух ЗИЁДУЛЛАЕВ, Косон туманидаги “Эсабой” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида имтиёзли кредитлар мавжуд шароит ва оилаларнинг хохиш-истакларини инобатга олган ҳолда ажратилляпти. Шунингдек, тадбиркорликни ривожлантиришда ҳудуднинг ўзига хос хусусиятини инобатга оляпмиз. Мисол учун, бизда деҳқончилик ривожланган. Барча хонадонларда сабзавот етиштирилади. Кейинги пайтда иссиқхоначилик ўсиш нуқтасига айланди.

Аҳоли томорқасидаги ерда “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили

асосида турли хил сабзавот экинларини экиб, турмуш фаровонлигини оширяпти. Мисол учун, Асомидин Равшановнинг томорқа майдони 24 сотих бўлиб, 20 сотихида иссиқхона ташкил этган. Унда лимон, помидор, бодринг парваришлаб, йилига уч марта ҳосил олади. Хонадоннинг томорқадан топадиган даромади ўртача 557 миллион сўмни ташкил этади.

Эркин Шерқулов 8,5 сотихли иссиқхона ташкил этиб, оила аъзоларининг бандлигини таъминлаган. Йилига икки марта ҳосил олади. Жами даромад 105 млн. сўмни ташкил этяпти. Бодрингни такрорий экиш натижасида яна 80 млн. сўм фойда кўряпти. Бундан ташқари, чорвачилиқдан 30 млн. сўм фойда нақд.

Аҳоли томорқасидаги ерда “Бир маҳалла - бир маҳсулот” тамойили асосида турли хил сабзавот экинларини экиб, турмуш фаровонлигини оширяпти.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Муҳими, улар сафи йилдан-йилга кенгайиб боряпти. Ҳудудда томорқадан уч марта экин экиш ҳисобига 20 миллиард 135 млн. сўм даро-

мад олинади. Бир сотих ердан ўртача даромад 4 млн. сўмни ташкил этади.

Маҳаллада 35 та янги лойиҳа ишга туширилиши натижасида 110 та иш ўрни яратилди. Ҳозирда 17 та хизмат кўрсатиш субъекти, 9 та хунармандчилик, 3 та тикувчилик корхонаси ишляпти.

Яқинда яна бир янгиликка қўл урдик. Насаф кўчасида 1 000 дона ўрдак боқиш ҳамда суткасига 1 000 литр сутни қабул қилиш пункти фаолият бошлади. Балиқчилик тармоғи ташкил этилди. Комиллик кўчасида намунали тарзда 500 метрлик воиш қурилди. Табиийки, лойиҳалар натижасида янги иш ўринлари пайдо бўлди.

Ташаббускорлик ортидан ҳудудда ишсизлик тўлиқ бартараф этилди. Жиноятчиликдан холи ҳудуд сифатида “яшил” томидамиз.



ЧОРВАЧИЛИК

Чин барака соҳибига айланаман десангиз...

Чорва моллари бош сонини кўпайтириш мақсадида сақланаётган қўйлар, асосан, она совлиқ ва ўстиришга олиб қолинган ургочи қўзилардан иборат бўлади. Қўзилатиш мавсуми октябрь-ноябрь ойида бўлиб, февраль ойининг охири, мартда насл олинади. Бу вақтда уларни сақлашга эътибор бериш, алоҳида хоналар ташкил қилиш лозим.

Қўйлар куннинг иссиқ вақтига қараб айвонга чиқарилади. Кўпайиш арафасидагиларни ҳар куни 10-12 км., қўзиланларини 6-8 км. масофагача ўтлатиб келиш фойдали.

Яйловга ҳайдашдан олдин, эрталаб, албатта, дағал озуқа(хўжалик шароитига қараб беда, янтоқ, сомон, маккажўхори, ҳар хил ўт пичани ва бошқалар) берилиши керак. Эрталаб совуқда қиров, илиқда шудринг тушган бўлади. Шунинг учун қиров ёки шудринг кўтарилгандан сўнг боқиб келиш тавсия этилади. Бунга амал қилинмаса, озуканинг совуқлиги сабабли ошқозон-ичак тизимида модда алмашинуви бузилади. Натижада касаллик тарқалиб, бола ташлаш кузатилади. Сугориш вақти тушдан сўнг, яъни куннинг иккинчи ярмида бажарилгани мақсадга мувофиқ. Кучли озукаларни қўйларнинг семизлигига қараб кечки пайт бериш тавсия қилинади. Баҳор ойларида иқлим ўзгариб, кунлар исийди. Ўртача ҳарорат 20 даражадан ошганда



тушдан кейин 2-4 оралиғида 2 соат яйловда боқиб келиш фойдали ҳисобланади.

Қўйлар соғлигини таъминлаш насл олиш даражасини оширади. Шунинг учун улар сақланаётган хўжаликларда йил давомида тегишли ветеринария тадбирлари

ўтказиб туриш шарт. Бунинг учун аҳоли яшаш ҳудудидаги ветеринария врач тадбирлар режасини тузиб, ўз вақтида профилактика ишларини олиб бориши лозим.

Баҳор фасли аввалида қўйлар бироз заиф бўлади. Уларни ташки таъсирлардан


Баҳор фасли аввалида қўйлар бироз заиф бўлади.

ҳимоя қилиш учун инвазион касалликлар — эктопаразит(бит, бурга, кана)га қарши таркибида иверектин сақловчи препаратлар билан тери остига укол қилинади. Шу билан бир вақтда ошқозон-ичак, жигар ва ўпкада ривожланадиган гельминтларни келтириб чиқарадиган қўзғатувчиларга қарши чора кўрилади. Қўзилар икки ойлиғида ценуроз касаллигига қарши эмланади. Юқумли касалликлардан оксил, браздот, энтеротоксемия, дизентерия, ёмон сифатли шиш, пастереллёз, сальмонеллёз, колибактериоз касалликларига қарши эмлаш муҳим аҳамият касб этади.

Юқорида таъкидлаб ўтилган маслаҳатларга амал қилган чорвадорларнинг фаолияти янада кенгайиб, даромади ошади.

Шуҳрат ОТАЖОНОВ, Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази директори.

МЕНДА САВОЛ БОР...



ПЕНСИЯ МИҚДОРИ ИШ СТАЖИГА БОҒЛИҚМИ?

Элдорбек БҮРИЕВ. Ўзбекистон тумани:

— Мен 55 ёшдаман. Лекин иш стажим кам. Мана шу омил пенсия миқдорига таъсир этадими?

Нозимжон ЖҲРАЕВ, Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлим бошлиғи:

— Аввало, айтиб ўтиш жоизки, пенсия миқдори иш стажи, иш ҳақига боғлиқ ҳисобланади.

Пенсияга чиқиш учун иш стажи етарли, лекин иш ҳақи кам бўлган тақдирда пенсия миқдори катта чиқмаслиги мумкин. Иш ҳақи юқори, лекин иш стажи кам бўлса, пенсия миқдори оз чиқиши эҳтимоли бор.

Эслайтиб ўтаимиз, пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун ишдаги мавжуд танаффуслардан қатъи назар, охириги ўн йиллик меҳнат фаолияти давомидаги исталган кетма-кет беш йилдаги (пенсия сўраб мурожаат этган кишининг танлови бўйича) иш ҳақи инобатга олинади.

Шунинг учун, фуқаролардан иш стажи ва иш ҳақларига эътиборли бўлишларини сўраймиз.

Пенсияни режалаштириш молиявий режалаштиришининг асосий жиҳати ҳисобланади. Бу фуқароларга нафақат кексалиқда ёрдам беради, балки келажакка ишонч бағишлайди.



2025/2026 ўқув йили бакалавриятга қабул учун ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ СОНИ ва баҳолаш тартиби тасдиқланди.



Хукумат қарори билан “Нурота” ва “Сурхон” давлат қўриқхоналари ҳамда “Зарафшон” миллий табиат боғи ХУДУДЛАРИ КЕНГАЙТИРИЛАДИ.



Тошкентнинг иккита туманида ҳаво ифлосланишини назорат қилувчи иккита АВТОМАТИК СТАНЦИЯ ўРНАТИЛДИ.

МАҲАЛЛАДА
НИМА ГАП?

ТАШЛАНДИК ЖОЙ СЎЛИМ МАСКАНГА АЙЛАНДИ

Қарши тумани маҳаллаларида ҳудуд шароитидан келиб чиқиб, ўрдақчилик ривожлантириляпти.



Ушбу сай-ҳаракатлар ортидан тумanning “Талликурон” маҳалласидаги қаровсиз ерда ўрдақчилик лойиҳаси йўлга қўйилди. “Ўйчи чорбоғ” кооперацияси зовур қовлаб, унга 150 бош ўрдақ ташлади. Бундан қўзланган мақсад — аҳолига ўрдақ боқишни тарғиб қилиш ва бу орқали қўшимча даромад олиш имкониятларини кенгайтиришдир.

— Март ойи бошида йўлга қўйилган ўрдақчилик ҳар томонлама манфаатли лойиҳага айланди — дейди “Ўйчи чорбоғ” кооперацияси раҳбари Улуғбек Бердиев. — Кичик ташаббус сабаб ҳам ҳудуд ободлашди, ҳам даромадли яна бир йўналиш ишга тушди. Абзор ҳолатидаги зовур қишлоқ болалари келиб, ўрдақларни томоша қиладиган сўлим манзилга айланди. Бундан қишлоқ аҳли мамнун.

Айтиш керакки, айни йўналишдаги ишлар тумanning бошқа маҳаллаларида ҳам ҳаётга татбиқ этиляпти.

Интилувчан ёшлар боқиманда, лоқайдларга ибрат бўляпти



Иш бошлаганимга кўп бўлмади, шунга қарамай, ишимга бўлган қизиқиш ва ёшлар билан тезда қиришиб кетганим натижасида етакчиликнинг қийинчилиги менга унчалик сезилмади. Бу борада ҳамкасбларим мени қўллаб-қувватлашди.

Хусанжон ОМОНОВ,
Когон туманидаги
“Ўрта чўл” маҳалласи
ёшлар етакчиси.

Улардан ёшлар билан боғлиқ масалаларни қандай ҳал этиш, шунингдек, уларнинг биринчи навбатдаги ишончли одамига айланиш учун нималарга аҳамият беришим кераклиги

ҳақида маслаҳат олиб, анча кўникмаларга эга бўлдим.

Бошқа етакчилар каби йил аввали мен учун ҳам масъулиятли бўлди. Чунки ушбу даврда хатлов жараёни бошланиб, ҳар бир ёшнинг уйига бирма-бир кириш ва уларнинг шароити, яшаш тарзи билан танишишга тўғри келди. Йигит-қизлар билан индивидуал суҳбат қилиб, ҳозирда улар қандай иш билан машғуллиги, ишсизми, тайинли юмуши борми — барчасини аниқлаб, ёшлар рўйхатини шакллантирдим.



Сўнгра ҳоким ёрдамчиси билан биргаликда бўш иш ўринларини таклиф этиб, ёшларнинг бандлигини таъминлашга киришдим. Натижада бир қанчаси маҳалламиздан узоқ бўлмаган ишлаб чиқариш корхоналарига ишга жойлашди. Маиший хизмат кўрсатиш соҳасини танлаган бир нафар ёшга ўт ўриш дастгоҳи, бошқасига темир пайвандлаш асбоб-ускуналарини олиб бердик. Қолганларига

имтиёзли кредитлар таклиф қилинмоқда. Шу кунгача 3 нафар ёш аллақачон имтиёзли кредит олиб, чорва молларини кўпайтиришни бошлаган.

Яна бир маҳалладошимиз Назиржон Нардиев шароити оғир бўлган ёшлардан эди ва кунлик ишларда меҳнат қиларди. У устага шоғирд тушиб, темир дарвозаларни пайвандлаш сирларини ўрганди. Кейинроқ ўзи ташаббус кўрсатиб, мустақил иш бошлаш учун баъ-

зи техник воситаларга эҳтиёжи борлигини билдириб, ёрдам сўради. Унга дарров субсидия асосида дастгоҳлар олиб бердик. Ҳозирда Назиржон халқимизга беминнат хизмат қилмоқда.

Очиғи, унинг мустақил хунарга ўрганишга интилгани ва ёнимга кўмак сўраб келганидан жуда қувондим. Оилавий шароитига қарамай, катта қизиқиш билан мустақил хунарга ўрганишга чоғланиб, ўз келажаги ҳақида қайғуриши ҳақиқий эр йигитнинг амали бўлди. Шу билан бирга, Назиржон шароити, оилавий муҳити дуруст бўлса-да, “олма пиш, оғзимга туш” деб, лоқайд яшайётган, боқимандалик кайфиятига берилган, катталарнинг уларга нимадир қилиб беришини кутиб, умри ўтаётган ёшларга яхшигина намуна бўла олди.

Бизни ўйлантираётган масалалар ҳақида гапирсам, ёшларнинг кўпчилиги тўғра-раклар учун чекка ҳудудларга қатнашга мажбур бўляпти. Шу сабабли навбатдаги режамиз ҳудудда барча дарс машғулотларини ўз ичига олган ўқув марказини ташкил этишдир. Тез кунда бу ташаббус амалга охша, ёшлар узоқ масофага қатнамасдан, маҳалланинг ўзидаги ўқув марказида ўзлари истаган фан йўналишлари бўйича ўқиб, илм олиш имкониятига эга бўлишади.

Бир сўз билан айтганда, ёшларга қулайлик яратишдан, уларнинг орзуларини рўёбга чиқаришдан, эҳтиёжмандларга далда бўлишдан асло чарчамаймиз.

АЛИМЕНТ БЎЙИЧА АРИЗА БЕРГАН ШАХС ДАВЛАТ БОЖИ ТЎЛАМАЙДИ!

Моҳира ОЛИМОВА,
Мирзаобод тумани:

— МЕН СОБИҚ ТУРМУШ
ЎРТОҒИМДАН АЛИМЕНТ
УНДИРИШ УЧУН СУДГА
АРИЗА БЕРМОҚЧИМАН.
БУНДАЙ МУРОЖААТ УЧУН
СУДГА ҚАНЧА ДАВЛАТ БОЖИ
ТЎЛАЙМАН?

Ҳоким ЭРКАБОВЕВ,
Мирзаобод тумани адлия бўлими
бошлиғи:

— Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бож тўғрисида”-ги қонунида фуқаролик ишлари бўйича судларда давлат божини тўлашдан озод этиладиган шахслар рўйхати келтирилган. Унга кўра, фуқаролар алимент ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан



СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

судларга мурожаат қилганида давлат божидан озод этилиши белгиланган.

Демак, алимент ундириш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаат қилган шахслар давлат божини тўламайди. Яъни болалар онада бўлса ва она судга алимент учун ариза берса, бож тўлови амалга оширилмайдми.

Лекин бу судга умуман бож тўланмайдигани эмас. Тўлов амалга оширилади, фақат божни жавобгар тараф тўлайди. Алимент ундириш бўйича чиқарилган суд буйруғига эътибор берсангиз, жавобгардан давлат фойдасига фалонча сумма давлат божини ундирилсин, деган мазмунда бўлади.

Стартап лойиҳаларга 2 миллиард сўмгача маблағ берилади

МОҲИЯТ

АТРОФГА НАЗАР
ТАШЛАСАК,
ЁШЛАР УЧУН
ЯРАТИЛГАН
ИМКОНИЯТЛАРГА
ХАВАС ҚИЛАСАН
КИШИ. КИМДИР
ТАДБИРКОР,
КИМДИР ЖАҲОН-
НИ ЛОЛ ҚОЛ-
ДИРГАН СПОРТ
УСТАСИ, БОШҚА-
СИ ИХТИРОЧИ,
КАШФИЁТЧИ...

Шаҳноза ХАЛИЛОВА,
“Mahalla” мухбири.

Бугунги ёшлар битта фаолият билан чекланиб қолгани йўқ. Айниқса, ёш тадбиркор тушунчаси тобора кенгайиб бормоқда. Имкониятлар кўлами ҳам янада ортган. Бунинг учун ёшлар тадбиркорлигидаги имтиёзлар ва қонун-қоидалардан кераклича хабардор бўлиб борилса кифоя.

Президент имзолаган “Ёшлар тадбиркорлигини ҳамда уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган бизнес лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор ҳам йигит-қизларнинг тадбиркорлик имкониятларини ошириш, уларга қулай шароитлар яратишга хизмат қилади.

Қарорга кўра, Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси негизда Ёшлар ишлари агентлиги ҳузурида Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси ташкил этилди. Янги жамғарма ёшлар орасида ишбилармонлик фаолиятини ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва мамлакат иқтисодиётига ҳисса қўшиш учун муҳим восита бўлиб хизмат қилиши кўзда тутилган. Жамғарма ёшларни инновация ва креатив ғояларини



амалга оширишда қўллаб-қувватлайди.

Қарорга асосан, жамғарма маблағлари белгиланган манбалар ҳисобидан 100 миллион АҚШ доллари эквивалентига тенг суммага етказилади. Жамғарма кўмағида камида 50 минг нафар ёшнинг бандлиги таъминланади ва улар тадбиркорликка жалб қилинади. Белгиланган дарё, канал ва соҳил бўйларида хизмат кўрсатиш, кўнгилочар ва дам олиш масканларини ташкил этиш бўйича бизнес

лойиҳаларни жойлаштириш учун ўрнатилган тартибда электрон он-лайн аукцион савдоларига чиқариш орқали ер участкалари ажратилади.

Жамғарма ҳузурида устав фонди 10 миллион АҚШ доллари эквивалентига тенг бўлган ёшларнинг истиқболли стартап лойиҳаларини молиялаштирадиган венчур жамғарма ташкил этилади. Мазкур жамғар-

ма томонидан стартап лойиҳаларга 2 миллиард сўмгача инвестиция маблағлари уларнинг устав фонди-га улуш сифатида киритиш орқали ажратилади. Хусусан:

Ў истиқболда муваффақиятга эришиш салоҳияти юқори бўлган

намунавий моделни ишлаб чиқиш жараёнидаги стартап лойиҳага — 500 миллион сўмгача;

Ў Ўзбекистон бозорига муваффақиятли жорий қилинган стартап лойиҳага — 1 миллиард сўмгача;

Ў хоржий бозорга чиқиш имкониятига эга бўлган стартап лойиҳага — 2 миллиард сўмгача.

Жамғарма қуйидаги харажатларни қоплаб беради:

Ў истиқболда муваффақиятга эришиш салоҳияти юқори бўлган стартап ғоянинг намунавий моделини (МҲР) яратиш даражасига олиб чиқиш учун хоржий ва маҳаллий экспертлар, менторлар ва тренерларни жалб қилиш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизигача, бироқ 100 миллион сўмдан ошмаган миқдорда;

Ў халқаро инкубация ёки акселерация дастурларида иштирок этиш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизигача, бироқ 10 минг АҚШ доллари эквивалентидан ошмаган миқдорда.

Умуман олганда, қарорда белгиланган вазифалар ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилаш, уларнинг фаоллигини ошириш ва жамиятда тенг имкониятлар яратишга ёрдам беради. Натижада йигит-қизларнинг ишбилармонлик салоҳияти ошиб, тадбиркорлик фаолияти ва янги бизнес лойиҳаларни амалга ошириш орқали иқтисодий тараққиётга ҳисса қўшилади.



Қамоққа олинмаган гумонланувчиларнинг Ўзбекистондан чиқиши ВАҚТИНЧА ЧЕКЛАНИШИ МУМКИН.



Ўзбекистонда импорт қилинадиган болалар тагликлари учун МАЖБУРИЙ РЎЙХАТДАН ЎТИШ жорий этилди.



Президент Ўзбекистон “ОРХУС” КОНВЕНЦИЯСИГА қўшилиши тўғрисидаги қонунни имзолади.

“СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ”

ТАДБИРКОР КЎПАЙСА, ЭНГ АВВАЛО, МАҲАЛЛАДАГИЛАР ИШЛИ БЎЛАДИ



Адиба АБДУРАҲМОНОВА, Наманган шаҳридаги “Янги аср” ва “Баҳор” маҳаллалари солиқ инспектори.

Бугун ҳар бир ҳудудда “маҳаллабай” ишлаш тизими ўзининг ижобий натижаларини кўрсатяпти. Айниқса, солиқ ходимларининг “маҳалла еттилиги” таркибига киритилиши барча учун фойдали бўляпти. Масалан, мен аввалгидек, фақат юридик шахслардан солиқ ундириш эмас, балки йигирмадан ортиқ йўналиш бўйича уйма-уй юриб, ҳар бир солиқ тўловчи билан манзили ишлапман. Натижада солиқ соҳасига оид барча масалалар маҳалланинг ўзида ҳал этиляпти.

“Солиқчи – кўмакчи” таъмоили асосида фуқароларга солиқ қонунчилигининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтиришларимиз натижасида солиқ тўловларни муддатидан олдин тўлашяпти. Хонадонда ёки кичик дўкончалар ташкил этиб, норасмий савдо-сотик ишлари билан шуғулланаётган кўлаб фуқаролар тадбиркорларга берилаётган имтиёз ва имкониятлардан хабардор бўлгач, расмий рўйхатдан ўтиб,

қонуний иш бошлади. Биргина жорий йил бошидан 10 та корхонада норасмий ишлаётган 25 нафар ишчи-ҳодимнинг фаолияти қонунийлаштирилди. Вақтинча фаолиятини тўтатган 6 нафар хусусий тадбиркорга иш фаолиятини тиклашга кўмаклашдик. Натижада тадбиркорлар сони 80 фоизга кўпайиб, шунга мутаносиб равишда солиқ тушумлари ортиб боряпти.

Менга бириктирилган маҳаллалар туман марказида жойлашгани учун тадбиркорлик йўналиши, асосан, ишлаб чиқариш, чакана савдо, маиший хизмат кўрсатиш шохбачалари ривожланган. Масалан, “Янги аср” йиғинида иккита йирик тўқимачилик корхонасининг ҳар бирида 500 нафарга яқин аҳоли банд. Ўзиборлиси, ушбу корхоналар, аввало, ушбу маҳалладаги ишсиз аҳоли бандлигини таъминляпти. Қўлида хунари йўқ хотин-қизлар мономарказда ўқитилиб, кейин ишга жойлаштириляпти. Шунингдек, оёқ кийим корхонаси, чакана савдо ва маиший хизмат кўрсатиш йўналишида ўнлаб тадбиркорлар фаолият юритяпти. “Баҳор” маҳалласи эса чакана савдо ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасига ихтисослашган. Бугунги кунда ҳар икки ҳудудда 44 та юридик корхона, элликдан ортиқ яқка тартибдаги тадбиркор ўзи ва оиласини,

қолаверса, маҳалладошларини даромадли қиляпти. Тўрт юз нафарга яқин фуқаро тикувчилик, қандолатчилик, сартарошлик, таксичилик каби турли соҳаларда ўзини ўзи банд қилиб, расмий даромадга эга.

Бугун ҳар бир маҳалланинг ўз бюджети бор. Мазкур маблаглар “маҳалла еттилиги” аъзоларининг коллегиял қарори асосида мавжуд муаммолар масалаларни ҳал этишга, йиғин ҳудудини ободонлаштиришга, фуқароларнинг яшаш шароитини яхшилашга сарфланяпти. Ҳозирда “Янги аср” маҳалласида учта кам таъминланган оила хонадони таъмирлаб бериляпти. Бу, ўз навбатида, солиқ тўловчиларга мол-мулк ва ер солиғини вақтида тўлашига рағбат бўляпти.

Ўрганишларимиздан маълум бўляптики, аксарият эски уйларнинг кадастр ҳужжати йўқ. Солиқ ундиришда юзага келаётган бундай муаммолар босқичма-босқич ҳал этиб бориляпти.

Мақсадимиз – ҳудудларда янги-янги тадбиркорлар ва ишбилармонлар сонини кўпайтириш, пировардида маҳаллалар тарақиётини юксалтиришдир. Шу боис ҳудудда тадбиркорлик, айниқса, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва чакана савдо корхоналарини кенгайтириш бўйича ишлапмиз.

ХАБАРДОРМИСИЗ?

АПРЕЛЬ ОЙИГАЧА СОЛИҚ ОРГАНЛАРИНИ ХАБАРДОР ҚИЛИНГ!

Тадбиркорлик фаолияти ва даромад олиш учун мўлжалланган кўчмас мулк объектлари, шунингдек, юридик шахсларга ёки яқка тартибдаги тадбиркорларга ижарага беришда фойдаланиладиган солиқ солиш объектларига эга бўлган жисмоний шахслар бундай объектларнинг қийматини мустақил баҳолаш ҳуқуқига эга.



Ўтказилган баҳолаш натижалари, шу жумладан, охириги икки йил ичида солиқ органларига тақдим этилганлари 2025 йил учун жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи бўйича солиқ солинадиган база сифатида тан олинади. Шу боис жисмоний шахслар жорий йилнинг апрель ойигача солиқ органларини баҳолаш тўғрисида хабардор қилишлари шарт. Билдиришнома юбориш учун my3.soliq.uzдаги шахсий кабинетингиз орқали интерактив хизматдан фойдаланинг.

Бунинг учун дастлаб сайтга кириб, “Баҳолашни режалашти-

риш” бўлимига ўтинг, у ердан “Объектни кўшиш” тугмасини босинг. Асосий маълумотлар автоматик равишда кўрсатилади. Телефон рақамингизни киритинг, мулкнинг кадастр рақамини танланг ва баҳолашни ўтказишни режалаштирган вақтни кўрсатинг. Шундан сўнг “Сақлаш” тугмасини босинг.

Эслатиб ўтамиз, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун мўлжалланган нотураржой мулклари учун жисмоний шахслар 1,5 фоиз миқдорда солиқ тўлайди. Агар жисмоний шахс 1 апрелгача режалаштирилган баҳолаш тўғрисида хабар бермаган бўлса, мол-мулк солиғи солиқ органларига тақдим этилган кундан бошлаб, мустақил баҳолаш ҳисоботи асосида қайта ҳисоблаб чиқилади.

Солиқ кўмитаси Ахборот хизмати

МЕНДА САВОЛ БОР...

МАЪЛУМОТЛАРНИ МАСОФАДАН ЯНГИЛАШ МУМКИНМИ?


Акбар МИРСОДИҚОВ, Тошкент шаҳри:

– Корхона раҳбари, ҳисобчиси ҳамда уларнинг телефон рақамлари ўзгарганда бу маълумотларни масофадан турган ҳолда янгилаш имкони мавжудми?

Музаффар НАЗАРОВ, Солиқ кўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари:

– Албатта, мумкин. Буни my3.soliq.uz сайтыдаги шахсий кабинетдан “Юридик шахснинг профилини кўриш ва ҳисоб маълумотларини ўзгартариш” хизмати орқали амалга оширсан бўлади.

Корхонанинг раҳбар ёки ҳисобчи тўғрисидаги маълумотлари ўзгарганини шахсий кабинетдаги “Ҳисоб маълумотлари” бўлимида текшириб кўриш мумкин.




ЭШИТДИНГИЗМИ?

Маҳсулотларни сотишда қатъий ўлчовдан фойдаланилади

Солиқ органларининг таҳлилларидан тадбиркорлик субъектлари согаётган товарлар миқдори, ўлчов бирлиги ва қийматида катта фарқлар аниқланмоқда. Бу ҳақда аввал ҳам бир неча бор хабар қилинган эди.

Масалан, “БМ” фермер ҳўжалиги 2024 йил 30 июлда электрон ҳисобва-рак-фактура (ЭХФ)да бугдойнинг (Маҳсулотлар ва хизматларнинг идентификация код (МХИК) – 010010010010000000) бир килограммини 2 668 сўм, 1 граммини 2 232 сўмдан сотганини кўрсатган. Шу боис Солиқ кўмитаси солиқ тўловчилардан бирламчи ҳужжатларни тўлдиринишда эътиборли бўлиш муҳимлигини яна бир бор эслатади. Агар ўлчов бирликлари ёки товарлар миқдори нотўғри кўрсатилса, сотилган товарлар таннархининг ҳақиқий ҳола-



ти бузилади, товарлар ҳаракатини назорат қилиш қийинлашади, солиқ ҳисоботларини топширишда саволлар кўпаяди.

Эндиликда маҳсулотларни ЭХФ орқали реализация қилишда қатъий бириктирилган ўлчов бирликларида ёки улар асосида яратилган қадоклардан фойдаланилади.

Мисол учун, конфет (МХИК – 01704001016000000) маҳсулоти учун қатъий килограмм ўлчов бирлиги бириктирилган. Мазкур маҳсулотни қадоклаган ҳолда реализация қилиш зарурияти юзага келганда килограмм ўлчов бирлигидан фойдаланган ҳолда истеъмол қадогини шакллантириш лозим бўлади. Конфет маҳсулотини реализация қилишда ЭХФ расмийлаштириш учун ушбу

шакллантирилган қадокдан фойдаланиш мумкин. Ушбу маҳсулотлар чакана савдода онлайн назорат-касса техника чеклари орқали реализация қилинганда тадбиркорлик субъектларида тушунмовчилик ёки бошқа кўзда тутилмаган ҳолатлар учраганда солиқ органлари уларга яқиндан ёрдам беришга тайёр. 1198 қисқа рақамга мурожаат қилишингиз мумкин.

Солиқ кўмитаси қўшилган қиймат солиғи маъмуриятчилиги бошқармаси




Товарларни қадоклаш учун ушбу QR-код орқали видеоқўлланмадан фойдаланишингиз мумкин.



Байрамлар муносабати билан Тошкентдан Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига қўшимча “АФРОСИЁБ” ПОЕЗДИ қатновлари йўлга қўйилади.



Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятига НОҚОНУНИЙ АРАЛАШГАНЛИК учун жавобгарлик белгиланади.



Ўзбекистоннинг олтин-валюта захиралари салкам 44,9 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРГА етди.

огоҳ бўлинг!

ФИРИБГАРЛАР АЛДАШ ҚОБИЛИЯТИГА ЭГА БЎЛАДИ

Сизу биз замонавий технологиялардан фойдаланганимиз каби жиноятчилар ҳам жим ўтиришмаяпти. Бугун бир фирибгарликнинг янги усули пайдо бўлса, эртага бошқасини ўйлаб тошиб, одамларни чув туширяпти.

Маълумотларга кўра, шу кунларда фирибгарлар ўзларини банк ходими, деб таништириб, фуқароларга кўнғироқ қил-япти. Бу эски усул дерсиз, лекин, аслида, бу янги найранг. Кўп юртдошларимиз бундан беҳабар.

Хўш, бу алдов қандай амалга оширилади? Аввало, фирибгарлар тижорат банкларининг бири номидан сизга алоқага чиқиб, “Автохалокатга учрабсиз, шу боис яқин қариндошингиз сизнинг номингизга кредит расмийлаштирмоқчи, шунга розилик берасизми”, деган мазмунда мулоқотга киришади. Ёки бунинг акси: “Сизнинг яқин қариндошингиз автохалокатга учрабди. Шунга пул керак бўлиб, бизнинг банка мурожаат қилди, лекин унинг ойлик маоши етмас экан. Унга пул жуда зарур бўлгани учун сизга кўнғироқ қилишимизни айтди. Шунга сиз кредит ажратишга розимисиз?”, дейди.



Афсуски, фирибгарлар айрим юртдошларимизни найрангларига ишонтириб, номларига жуда катта миқдорда кредит расмийлаштириб оляпти. Агар сизга ҳам шундай кўнғироқлар бўлса, дарҳол алоқани узинг. Шахсий маълумотларингиз, масалан, банк картангиз рақамлари, амал қилиш муддати ва паспорт, ID маълумотларни асло уларга берманг. Агар сиз уларнинг алдовларига ишонган бўлсангиз, ички ишлар органларига мурожаат қилиб, банк картангизни блок ҳолга келтиринг.

Кейинги фирибгарлик усули ҳақида ҳам хабардор бўлсангиз, фойдадан холи бўлмайди. Шу кунларда фирибгарлар фуқароларга уяли алоқа оператори компанияси номидан кўнғироқ қилиб алдашяпти. Улар гўёки ўзини алоқа оператори сифатида таништириб, “Сиз ишлатаётган мобил рақамингиз муддати тугаяпти. Агар шартномани узайтирмоқчи бўлсангиз, биз сизга “SMS” хабарнома орқали код юборамиз, уни бизга айтинг”, деган мазмунда кўнғироқ қилишяпти.

Шу орқали фирибгарлар фуқароларнинг ушбу телефон рақамига уланган банк картаси амалиётини бошқариш ҳуқуқини кўлга киритмоқда. Агар сизга ҳам шундай кўнғироқлар бўлса, дарҳол алоқани узиб, вазиятга ойдинлик киритиш учун уяли алоқа компаниянгиз расмий веб-сайтидаги қисқа рақамларга кўнғироқ қилиб, маълумот олишни маслаҳат берардик.

Фирибгарлардан огоҳ бўлинг, улар алдаш қобилиятига эга бўлишади.

Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот хизмати.

“Аҳоли гавжум, ҳаракат тиғиз бўлса ҳам “яшил” тоифадамиз”



Сафармурод ҚИЛИЧОВ,
Самарқанд туманидаги
“Қўштамғали” маҳалласи
профилактика инспектори.

“Қўштамғали” маҳалласида Самарқанд туризм маркази жойлашган бўлиб, бу ерда замонавий меҳмонхона, Конгресс холл, “Боқий шаҳар” мажмуаси, амфитеатр ва кўлаб бошқа иншоотлар бор.

Кўнага икки минг нафар, халқаро конференциялар ўтказиладиган вақтларда бундан ҳам кўп одам ташриф буюради. Бу эса биздан янада ҳушёрликни талаб этади. Шу боис хавфсиз мухитни таъминлаш учун маҳалланинг турли нукталарига уч юздан ортиқ видеокузатув қурилмалари ўрнатиб, уларни хизмат хонамга ва ишончли хонадонларга интеграция қилганмиз. Асосий кўчаларга тунги ёритиш чироклари қўйилди. “Хавфсиз маҳалла” тамойили асосида бу борадаги ишларни давом эттиряпмиз. “Маҳалла еттилиги” ва жамоатчилик вакилларидан иборат тунги навбатчилик гуруҳи ташкил этилган.

Бугунги кунда мазкур маҳаллада тўрт мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Улар боғдорчилик, деҳқончилик ва тадбиркорлик билан шуғулланиб, рўзгорини обод этяпти. Худудда машҳур “Самарқанд нон” бозори жойлашган. Катта йўл бўйидаги ушбу бозор кечаю кундуз йўловчилар билан гавжум. Утган йили бу ерда ўғрилиқ ва тан жароҳати билан боғлиқ жиноят қайд этилгани учун хавфсизлик ва тарғибот ишларини янада кучайтириб, фуқароларни ҳуқуқбузарликлардан огоҳлантирувчи махсус баннерлар ўрнатилди. Натижада жорий йил жиноятдан холи худуд сифатида “яшил” тоифага ўтдик.

Бироқ бир зум бўлса-да,


ҳушёрликни йўқотганимиз йўқ. Аҳоли билан доимий мулоқотда бўлиб, тарғибот тадбирларини ўтказаяпмиз. Уларни турли ҳуқуқбузарлик ва фирибгарликлар ҳақида огоҳлантириб, жиноятнинг салбий оқибатларини тушунтиряпмиз. Бу жараёнда хотин-қизлар ва ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, ноқонуний никоҳ ва эрта турмушнинг олдини олишга ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Низоли масалалар жойига чиқиб ўрганилиб, “еттилик” ва феоаллар муҳокамасида ҳал этиляпти. Хар ой хорижга чиққан икки юз нафарга яқин фуқаро билан мулоқотда бўлиб, ишлаш ва яшаш шароитларини ўрганиб борапман.

Бугун ёшлар таълим-тарбияси жуда долзарб. Шу боис “мактаб – ота-она – маҳалла” ҳамкорлигида мактаб ўқувчиларининг таълим-тарбияси, дарсда мунтазам иштирокини таъминлаш ҳамда бўш вақтларини мазмунли ўтказишга алоҳида эътибор қаратаямиз. “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида маҳалалараро турли фан, санъат ва спорт мусобақалари

ташkil этиляпти. Ёшларнинг меҳнатга бўлган муносабатини шакллантириш учун тажрибали боғбонлар ва новвойчиларнинг иш тажрибалари билан таништириб борапмиз.

Бугунги кунда йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида ёш болалар ва ўқувчилар ўлими ортмоқда. Шу боис ҳудудимиздан ўтувчи “Тошкент – Термиз – Қарши” автомобиль йўлига тезликни чекловчи фоторадар ва махсус белгилар ўрнатилди.

Жорий йилда режалар кўп. Аввало, Президентнинг “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз мухитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самардорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида ишлаб чиқилган “йўл харитаси”да белгиланган вазифалар ижросини бажарамиз. Шунингдек, хавфсиз мухитни таъминлаш учун видеокузатув қурилмалар сонини янада кўпайтириб, ички кўчаларга тунги ёриткич чироклари ўрнатамиз. Бир сўз билан айтганда, хавфсиз ҳудудда сайёҳлар кўп бўлишига интиляпмиз.



СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Муҳаммадшукр
МУҲАММАДЖОНОВ.
Андижон вилояти:

— ХОДИМИМИЗ МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИ ЎЗ ТАШАББУСИ БИЛАН БЕКОР ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА АРИЗА ЁЗДИ. ҲОЗИР ИШГА ЧИҚМАЯПТИ. БУ ҲОЛАТДА ҚАНДАЙ ЙЎЛ ТУТАЙЛИК?



Муҳаммадмин
КАРИМЖОНОВ,
ҳуқуқшунос, адвокат:

— Меҳнат кодексининг 99-моддасига кўра, ходим номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам икки ҳафта олдин иш беворчини ёзма равишда огоҳланти-

риб, бекор қилишга ҳақлидир. Огоҳлантириш муддати тугагандан сўнг ходим ишни тўхтатишга ҳақли.

Эътибор беринг, ходим огоҳлантириш муддати тугагандан сўнг ишни тўхтатишга ҳақли. Агар ходим узрсиз сабабларга кўра ишга чиқмаса, бу меҳнат интизоми-ни бузиш сифатида баҳоланади.

БАНДЛИК

Ишбилармон аёл хотин-қизлар бандлигини таъминлаяпти

ЯНГИБОЗОР ТУМАНИДАГИ
“ДЎСТЛИК” МАҲАЛЛАСИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАЁТГАН УЧ МИНГ
НАФАРГА ЯҚИН АҲОЛИНИНГ
50 ФОИЗИНИ ХОТИН-ҚИЗЛАР
ТАШКИЛ ҚИЛАДИ.

Уларнинг аксарияти юртимизда жорий этилган ижтимоий дафтарларга киритилиши натижасида ўз иши ва даромадига эга бўлди. Биргина ўтган йилнинг ўзида “Аёллар дафтари”га киритилган 63 нафар аёлга қасаначилик, тикувчилик, ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик йўналишлари бўйича ёрдам кўрсатилди. Натижада барчаси ўз даромадига эга бўлди.

Шулардан бири – Шодия Қўшжоновна касб-хунарга ўқитил-гач, мустақил тикувчилик фаолиятини бошлади. Эндиликда у “Хунароманд” уюшмасига аъзо бўлиб, “устоз-шогирд” аънанаси асосида маҳалладаги хотин-қизларга касб сирларини ўргатапти.



— Бугунги кунгача 10 нафар хотин-қизни касбага ўқитдим, ҳозир яна 11 нафар аёл касб ўрганилди, — дейди тикувчи Шодия Қўшжоновна. — Буюртмаларимиз кўп. Асосан, мактаб, боғча ва турли ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлаймиз. Даромад яхши. Ишбилармон аёл сифатида маҳалламиз хотин-қизларининг бандлигини таъминлаётганимдан фахрланаман.

Жорий йилда “Дўстлик” маҳалласидаги 68 нафар хотин-қиз “Аёллар дафтари”га киритилган. Уларнинг айримлари Шодия опа раҳбарлигидаги тикувчилик цехида касбга ўқитилляпти.

Аҳамиятлиси, бу тикувчилик цехида, асосан, миллий либослар буюртма асосида тикиляпти. Яъни маҳсулотлар турли ташкилот ва жамоаларга етказиб берилмоқда. Иш қизғин кечаётганини кузатиб, талабгорлар кўплиги, хотин-қизларнинг фаолияти самарали ўтаётганига амин бўлиш мумкин. Муҳими, миллий либослар тарғиботига хисса қўшиляпти.

Латофат ЮСУПОВА,
Ўзбекистон маҳаллалари
уюшмаси Хоразм вилояти
бошқармаси матбуот
хизмати раҳбари.



Француз компанияси билан ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ СОТУВИ бўйича узоқ муддатли битим тузилди.



2 минг 500 дан ортиқ объектда курилиш-монтаж ишлари РЎЙХАТДАН ЎТМАГАН ХОЛДА амалга оширилган.



Ўзбекистоннинг 105 йиллик ДЕМОГРАФИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ЭЪЛОН қилинди.

ЭЪТИБОР

ДАРДНИ ТИНГЛАШ ОСОН ЭМАС, АММО ДАВО МУҚАРРАР

Пайариқ туманидаги “Истиқлол” маҳалласи ижтимоий ходими Сурайё Қўшоқова ўз касбининг фидойиларидан, десак адашмаган бўламиз. У ўтган йили “Бешқўрғон”, “Истиқлол”, “Жу-возхона” маҳаллаларида ижтимоий ходим вазифасида фаолият юритган.

Ширинбой МАМАДАЛИЕВ, журналист.

Учта ҳудуддаги эҳтиёжманд фуқароларга 2024 йил мобайнида 104 турдаги 1000 дан зиёд хизмат кўрсатилган. Аниқланган муаммолар ҳамда аҳоли муурожаатларидан келиб чиққан ҳолда, 490 нафар ногиронлиги бор фуқарога зарурий мосламалар тарқатилган. 41 та оилага комплекс ёрдам кўрсатиш мақсадида кейс очилиб, улар оилада юзага келган муаммо ва ечимини кутаётган масалаларни ҳал этишда доимий қўллаб-қувватланди.

— Кўп йиллардан буён ногиронлик аравачасига эҳтиёжимиз бор эди, — дейди Янгибой бобо Шамсиев. — Маҳалламизда ижтимоий ходим иш бошлагандан сўнг, оғиримиз енгил бўлди. Аввал қанча сарсонгарчилик ва оворачиликлар бўлар эди. Уйимизга келиб ўрганишлари натижасида эҳтиёжимизни унобатга олиб, ёрдам берилди.

Сўнгги йилларда одамларнинг дарду ташвишини тинглаш, уларнинг турмуш тарзини янада яхшилаш борасида кенг қўлмалли ишлар олиб борилмоқда. Ислохотлар ижроси таъминланаётгани оиламизда, ён-атрофимизда ҳамда маҳалламизда яққол кўзга ташланмоқда. Маҳалладаги ижтимоий комплекс ёрдамлар фақат моддий таъминот билан чекланиб қолаётгани йўқ. Имконияти чекланган ва ижтимоий кўмакка муҳтож аҳолига амалдаги қонунлар моҳияти тушунтирилмоқда. Уларга қизиққан йўналиши бўйича касб-хунари бўлиш, таълим муассасаларида ўқиши ва бандлигини таъминлаш борасида тегишли чора-тадбирлар асосида ишлар давом

этномоқда. Жумладан, 50 нафар ногиронлиги бор фуқаро спортга кенг жалб қилиниб, фаоллиги янада оширилган. Шунингдек, “Саховат ва кўмак” жамғармаси орқали 32 нафар фуқарога даволаниш, дори-дармон, озик-овқат, уй таъмири учун ёрдам берилган. 2 нафар фуқаро ўзгалар парваришига муҳтож бўлгани боис яққа-ёлғизлар реестрига киритилган.



Одамларни дардини тинглаш, уйма-уй юриб муурожаатларини ўрганиш осон иш эмас. Сурайё Қўшоқова ҳам ана шундай масъулиятли вазифани ёш бўлишига қарамасдан, сидқидилдан бажариб келмоқда. У ҳар бир ишга пухта ёндашадиган, ўз устида ишлайдиган, одамлар билан мулоқотда муомала маданиятини сақлайдиган кадрлардан. Эндиликда фақат “Истиқлол” маҳалласи аҳолиси билан иш олиб борар экан, доимгидан-да каттароқ марраларга эришишни ўз олдига мақсад қилган.

ЖАРАЁН

Истак шуки, ҳар бир аёл касб-хунарни эгалласа...



Шахноза ҚОСИМОВА, Ҳўжабод туманидаги “Андижон” ва Алишер Навоий номидаги маҳаллалар хотин-қизлар фаоли.

янгиликка интилувчанлик секин-аста тадбиркорлик билан шуғулланишига йўл очди. Аввалига уйдаги кичик бир хонада 6-7 киши билан тикувчиликни бошлади. Кейинчалик ходимлари сони 20 нафарга етди. Ҳозир Ўғилой опа алоҳида бинода 50 нафар хотин-қиз билан экспорт-боп болалар кийимларини ишлаб чиқаряпти. Яқин орада яна 50 та иш ўрни яратиш ниятида.

Аслида, янги соҳада иш бошлаш, унда катта муваффақият қозониш анча мушкул. Лекин Ўғилой опадаги факат олдинга интилиш, мақсад сари дадил одимлаш фазилатлари бу кийинчиликларни енгиб ўтишига ёрдам берди. Қилган меҳнатлари самара

си ўлароқ, 2024 йилда “Мўътабар аёл” кўкрак нишони билан тақдирланди.

Алишер Навоий номидаги маҳаллада истиқомат қиладиган Дилбар Маликованинг худудимизга кўчиб келганига 5-6 йилча бўлиб қолди. У бу ерда ҳам аввалги фаолиятини давом эттириб, киви дарахтлари етиштиришни йўлга қўйди. Айни вақтда республиканинг турли чеккаларидан келиб, қўчат харид қиляётганлар жуда кўп. Дехқон уларнинг донасини катта-кичиклигига қараб, 15 минг сўмдан 70 минг сўмгача сотади. Кўриниш жиҳатидан ток навадларига ўхшаб кетадиган бу ниҳол 3-5 йил оралиғида ҳосилга кирди. Нисбатан салқин ҳавони ёқтиради. Шу боис ёзда усти махсус матолар билан соялатиб қўйилади. Қишда 30 даражада совуққача чидаши мумкин.

Хонадоннинг 20 сотихли иссиқхонасида кивидан ташқари тут ва тол дарахтининг янги навлари, ноёб гул қўчатлари ҳамда лимон ўстирилади. “Аёллар дафтар”га киритилган ишсиз ва пробацияда турган 8 нафар хотин-қизнинг бандлигини таъминлаган. Оиланинг йиллик даромади 150 миллион сўмдан ортади. Келажакда фаолиятини янада кенгайтириш ниятида.

Маҳалламизда шундай ўз устида ишлаб, катта ютуқларга эришяётган аёллар кўп

топилади. Лекин ҳаётнинг айрим синовлари ва кийинчиликлари сабаб кўпроқ пул топанман, деб чет давлатга чиқиб кетганлар ҳам йўқ эмас. Сўнгги маълумотларга таянадиган бўлсак, иккита маҳалла худудидан 38 нафар аёл миграцияда юрибди. Ўтган йили даромади камлиги ва фарзандларини ўйлаб, 15 киши юртимизга қайтиб келди. Шу ҳафта яна битта аёл қайтиб келмоқчи.

Агар таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, хорижда ишлаш учун кетганларнинг кўпчилиги касб-хунарга эга бўлмаган аёллар. У ерда сотувчи, ошхона ходими, кексаларга қаровчи сифатида ишлаб, пул топишяпти. Шу боис имкон қадар хотин-қизларни ўқитишга, бирор соҳани мукамал эгаллашига кўмаклашяпмиз.

Фаолиятимиз давомида оилавий кадрларни улуғлаш, уларни ёшлар онгига янада чуқурроқ синдиришга алоҳида эътибор қаратаймиз. Худудимиздаги нуруний отахон ва онахонлар асрлар оша давом этиб келаётган қўни-қўшидан ҳол-аҳвол сўраш, тансиқроқ таом қилса, йўқлаш каби аънаналарни сира қанда қилмайди. Қизларни 3-4 синфдан уй ишларига ўргатамиз, 5-синфдан таом тайёрлашга жалб этилади. Шутарзда уларни катта ҳаётга тайёрлашяпти.

Шу ўринда бир масалада ўз мулоҳазаларимни билдириб ўтмоқчи эдим. Ҳозир қайси соҳани олмайлик, ҳужжат юритишга катта эътибор қаратилади. Маҳалла тизимида ҳам шундай. Лекин қоғоз ишлари тўлалигича электрон шаклга ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бундан ташқари, тумандан келадиган топшириқларни бажаришга улғуриш жуда қийин. Ҳеч бўлмаганда, бир-икки кун муҳлат беришганда, ишимиз осон кечарди. Айниқса, хотин-қизлар фаоли иккита худудга хизмат қиляётгани эътиборга олинса, керакли жадвал ва ҳужжатларни бир неча соатда тугатиб бериш мушкул.

МЕНДА САВОЛ БОР...

КИМЛАРГА ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИК ТАЙИНЛНАДИ?

Малика ТОШПҲЛАТОВА, Тошкент вилояти:

— ҚАНДАЙ ҲОЛАТЛАРДА ЕТИМ ВА ОТА-ОНА ҚАРАМОҒИДАН МАҲРУМ БҮЛГАН БОЛАЛАРГА ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИК ТАЙИНЛНАДИ?

Манзураҳон СОЛИЕВА, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш шўъбаси мудири:

— Қонунчиликка қўра, васийлик ёки ҳомийлик етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга қуйидаги ҳолларда белгиланади: ☒ ота-онаси вафот этганда ёки суд томонидан вафот этган деб эълон қилинганда; ☒ ота-онаси суд қарори билан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганда ёки уларнинг ота-оналик ҳуқуқи чекланганда;

☒ ота-онаси икки ойдан ортиқ касал бўлиши оқибатида ўзларининг ота-оналик мажбуриятларини бажара олмаганда; ☒ ота-онаси суд қарори билан муомалага лаёқатсиз деб топилганда; ☒ ота-онаси бедарак йўқолганда;

☒ ота-онаси болаларни тарбиялаш ёки уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаганда, шу жумладан, ота-она тарбия, даволаш муассасалари, тиббий-ижтимоий муассасалар ва шунга ўхшаш муассасалардан боласини олишдан бош тортганда, шунингдек, бошқа зарур ҳолларда.

Кундузги қатнов асосида қандай хизматлар кўрсатилади?

Ўзгалар парваринишга муҳтож шахслар учун кундузги қатнов асосида қараб туриш хизмати йўлга қўйилди.

Ушбу хизмат “Камбағал оилалар реестри” ва “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган оилаларнинг ўзгалар парваринишга муҳтожлик даражаси Бартел ва Лаутон шкаллари бўйича 0 баллдан 62 баллгача бўлган аъзолари учун тақлиф этилади.

Хизмат кўрсатувчи, яъни аутсорсинг шартлари асосида хизмат кўрсатишга жалб этилган тадбиркорлик субъекти ҳафтада 5 иш куни давомида кунига камида 8 соат давомийликда хизмат кўрсатади.

Хизматни кўрсатиш давомида:

☒ шахсга қараб туриш (йиқишиш ва жараҳатланганининг олдини олиш);



☒ шахсни парвариниш (оқаётганлиги, гигиеник тадбирларни амалга ошириш);

☒ шахс билан мулоқот қилиш;

☒ шахсни ўз-ўзига хизмат қилишга ўргатиш каби тадбирлар амалга оширилади.

Шунингдек, хизматдан фойдаланувчи билан келишувга мувофиқ, бошқа хизматлар ҳам кўрсатилиши мумкин. Ушбу хизмат турунини йўлга қўйилиши ўзгалар парваринишга муҳтож шахснинг яқинларига ишлаш ва даромад топиб, оилани фаровонликка олиб чиқиш имконини беради.

Бу хизмат туридан фойдаланиш истагида бўлган фуқаролар “Инсон” маркази ёки маҳалладаги ижтимоий ходимга муурожаат қилиши мумкин.

Ўзбекистон терма жамоасининг Қирғизистон ва Эронга қарши ўйинлар учун **КЕНГАЙ-ТИРИЛГАН ТАРКИБИ** эълон қилинди.



Осиё чемпионатида ғолиб бўлган пара велоспортчи **ОДИНА ҲАМДАНОВА**га уй совға қилинди.



Маҳаллаларда 2025 йилги **“БЕШ ТАШАББУС ОЛИМПИАДАСИ”** мусобақаларига старт берилди.

8

№20 | 2025 йил 15 март, шанба

Mahalla

БИЗ — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРИМИЗ!

БЕШ МАҲАЛ

Тўғри овқатланиш қондаларига амал қилиш кунига беш маҳал овқатланиш тартибини ташкил қилишдан бошланади. Ошқозон ости беи ҳар уч соатда турли гормон ва ферментлар ишлаб чиқаради. Гормонлар қонга сингади, ферментлар ичаклардаги озуқаларни ҳазм қилишга сарфланади.

ОВҚАТЛАНИШ — ОШ ЕЙИШ КЕРАК, ДЕГАНИ ЭМАС

Беш маҳал овқатланиш маса, ошқозон ости ишлаб чиқарган ферментлар ўз вазифасини тўлиқ бажара олмайди ва натижада бошқа органлар фаолиятининг бузилишига олиб келади. Шу боис кўп мамлакатларда беш маҳал таомланиш одат тусига кирган.

Кўпчилик “зўра уч маҳал овқатланишга вақт топамиз” ёки “уч маҳал таом еб, шунча вази тўппаганман, беш маҳал овқатлансам нима бўлади”, деб айтади. Аммо вақтида тўғри таомланиш инсонлардан кўп вақт талаб қилмайди, бундай ҳолатда ортқича вази тўпланиши эса умуман асоссиз фикр.

Чунки беш маҳал овқатланиш — беш маҳал ош ейиш керак, дегани эмас. Шунчаки, оғир ҳазм бўлувчи таомлар, ёғли ва қовурилган маҳсулотларни тановул қилишдан тийилиш талаб этилади, холос.

Шухрат ЭРГАШЕВ, тиббиёт фанлари доктори, профессор, шифокор-валеолог.

Аслида биз ҳозир ҳам овқат тановули учун шунча вақт сарфлаймиз ҳамда ўша микдордаги маҳсулотларни истеъмол қиламиз. Фақатгина овқатланиш тартибига риоя қилмаймиз. Тўғри таомланиш дегани, фойдали маҳсулотларни ўз вақти ва ўрнида истеъмол қилиш демакдир.

БАДАНТАРБИЯ

Фарзанд учун қайси спорт тури фойдали?

Фарзанд соғлом ўсиши учун унинг тўғри овқатланиши билан бирга, жисмоний фаоллиги муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ота-оналар ўғил-қизлари учун спорт тўғраригини танлашда уларнинг ёши, бўйи, жисмоний имкониятлари, хоҳиши ва мавжуд касалликларини инобатга олиши зарур.



3 ёшгача бўлган болалар билан фақат бадантарбия машқлари бажарилади. 4-5 ёшли ўғил-қизларни эса аввал гимнастик машғулотларда “тоблаб”, танасини чиниқтириш мақсадга мувофиқ.

Инсоннинг асаб тизими, асосан, 5-6 ёшдан мустақамлана бошлашини инобатга олсак, спорт билан шуғулланиш учун бу палла энг мақбул давр ҳисобланади. Чунки бола мураббий берган вазифаларини тушуниб, бажара оладиган бўлади.

6 яшар боланинг хоҳишига кўра, исталган спорт тўғрарига бериш мумкин. Энг фойдалилари **сузиш, бадий гимнастика ва футбол**. Бокс ҳам яхши танлов. Айни шу даврда боланинг суяк ва мушаклари ҳали қотиб улгурмаган бўлади, харакаларни осонлик билан бажаради. Бу ёшгача ва ундан кейин бокс машғулотларига киришиш ва ушбу спорт турида бирор натижага эришиш қийин кечади. **Шахмат ва шашка** машғулотларини ҳам шу даврдан бошлаган маъқул. Бу ёшгача аксарият болаларда бир жойда ўтиролмаслик, асаб тизимининг кўзгалувчанлиги юқори бўлади. 7 ёшдан кейин эса унда диққатни жамлаш қобилияти ортади.

Болаларда кўп учрайдиган сколиоз касаллигини 6-12 ёшгача **сузиш, турникда машқлар бажариш ва енгил атлетика** ёрдамида даволаш мумкин. Кўриш қобилияти паст ўғил-қизлар эса 9-11 ёшда **стол теннис ва катта теннис** билан фаол шуғулланиши лозим.

Саломатлик учун барча спорт тури фойдали бўлса-да, улардан айримларини маълум даврларда чеклаш мақсадга мувофиқ. Масалан, танасининг ривожланиши кечикаётган 12-14 ёш ораллигидаги ўсмирларга каратэ, таэквондо, дзюдо каби оғрик берувчи усулларга бой спорт турлари тавсия этилмайди. Эҳ ҳолда бўй ўсиши секинлашади.

Барно ОДИЛОВА, Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош мутахассиси.

Худди шундай 9-12 ёшда оғир атлетика билан шуғулланиш ҳам маъқул эмас. Чунки бу болага “оғирлик” қилиб, бўйраги атрофини ёғ қоплашига олиб келади.

Ўсмирлик даврида болаларга асаб тизимидаги кўзғалишлар кўпинча салбий таъсир эта бошлайди. Шу боис бу вақтда уларни сокин спорт турларига жалб қилиш керак. Хусусан, 12-18 ёшли қизларга **аэробика, ўғил болаларга енгил атлетика** билан шуғулланиш мақсадга мувофиқ. Асаб тизимида рўй берадиган стрессларга чидамилликни оширади, ортқича ҳиссиётларга берилмасликка ўргатади.

Бўйи ўсмаётган болалар биринчи галда кўп микдорда микроэлемент ва витаминларга бой овқат истеъмол қилиши, қолаверса, **сузиш, турникда тортилиш, югуриш, футбол** билан мунтазам шуғулланиши мақсадга мувофиқ. Айниқса, ҳафтада икки марта ба илик шўрва истеъмол қилиш унинг мушаклари ривожланиши, суяклари мустақам бўлишига ижобий таъсир кўрсатади.

Ота-она фарзандини бирор спорт тўғрарига бермаган тақдирда, унинг соғлом вояга етиши учун ҳар кунги бадантарбия машғулотларини тўхтатмаслигини назорат қилиши лозим. Тонгги машқлар ёш организмни чиниқтириб, қон айланишини яхшилайдиган, кайфиятни кўтариб, кун давомида тетиклики таъминлайди.

Мутахассислар фикрича, ҳар қандай суяқлик ҳам қабул қилинаётган препарат тўғри келмаслиги мумкин.

ДОРИНИ ҚАНДАЙ СУЮҚЛИК БИЛАН ИЧИШ КЕРАК?

Муаттар ХУҲАЕВА, фармацевтика фанлари номзоди, доцент.

Зеро, ҳар қайси дори воситасининг таркиби турлича бўлиб, у ёки бу турдаги суяқлик билан ўзаро таъсирга киришади. Капсулалар тик турган ҳолатда, 100 мл қайнатилган илқ сув билан ичирилиш керак. Суяқлик

микдори оз бўлса, капсула қизилўнғачга ёпишиб қолиши мумкин. Юрак фаолиятини яхшилашга мўлжалланган томчи дориларни 20-30 мл. сув ёки қанд бўлагига томизиб, сўнг қабул қилса бўлади. Муқолатик турдаги таблеткалар 1 ош қошиқ сувда эритиб ичилса, яхши таъсир этади.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

Танин моддали чойлар дори турлари таркибини ўзгартириб юбориши мумкин. Айниқса, камқонликни даволашда қўлланиладиган темир моддасидан иборат препаратларни чой билан ичиш мумкин эмас!

Бу ҳолатда чўкма ҳосил бўлиши ва организмга ноҳўя таъсир қилиш эҳтимоли мавжуд. Шунингдек, қон-томир касалликлари, ҳазм қилиш фаолиятини яхшиловчи, меъда яраси, антибиотиклар ҳамда неврологияда қўлланилувчи дори воситаларини ҳам чой билан ичиш тавсия этилмайди.

Дорини қаҳва билан қабул қилиш қўтилмаган ҳолатларга олиб келиши мумкин. Айниқса, оғриксийлантйрувчи воситаларини ушбу ичимлик билан ичиш жигарга зиён.

ҲИДОЯТ ЁҒДУСИ

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази милодий 2025 йилги Рамазон ойи учун закот нисоби, фитр садақаси ва фидя микдорини эълон қилди.

ЗАКОТ, ФИТР ВА ФИДЯ МИҚДОРИ ҚАНЧА?

Закот нисоби

Бу йилги Рамазон ойи учун закот нисоби 85 грамм 585 проба тилланинг қийматидан келиб чиқиб, 61 200 000 (олтмиш бир миллион икки юз минг) сўм деб белгиланди.

Шунга кўра, кимда зарурий эҳтиёжидан ташқари камида 61 200 000 (олтмиш бир миллион икки юз минг) сўм қийматдаги пул маблағи ёки ушбу қийматдаги савдо-тижорат моли бўлса, жами маблағининг қирқдан бири (2,5 фоизи)ни закот ниятида ҳақдорларга беради.

Фитр садақаси микдори

Фитр садақасининг микдори қуйидагича:

- 2 кг/ буғдой унидан – 10 000 (ўн минг) сўм;
- 4 кг/ арпадан – 16 000 (ўн олти минг) сўм;
- 2 кг/ майиздан – 110 000 (бир юз ўн минг) сўм;
- 4 кг/ хурмодан – 180 000 (бир юз саксон минг) сўм деб белгиланди.

Ҳар ким ўз имкониятига қараб ушбу тўрт маҳсулотдан хоҳлаган бири ёки унинг қийматини фитр садақаси ниятида берса kifоя қилади.

Фидя микдори

Бир кунлик фидя микдори фитр садақанинг микдори билан бир хил бўлади. Шундай экан, ҳар ким ўз имкониятига қараб ушбу тўрт маҳсулотдан хоҳлаган бири ёки унинг қийматини фидя ниятида берса kifоя қилади.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер: Абдулазиз АҲМЕДОВ
Шерзод МАМАНОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Тахририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй. Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92. Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.



Ўлчами — 380x587, 4 б.т. 9 200 нусхада чоп этилди. Буюртма №: Г-320

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.